

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдориде жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдориде жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«Тахياتош нефт базаси» МЧЖ
Манзили: ҚР Тахياتош тумани
Қорақолпоғистоннинг 50 йиллиги кучаси 5 уй
х/р: 2260 4000 4042 6871 2701,
Банк: ЎзСаноатқурилишбанк Тошкент ш.
Яшнобод филиали
ИНН: 204 592 009, МФО: 00432,
тел: (361) 224 97 78 факс: (361) 572 12 64,




Директор:  П.А.Бабаназаров

Ички сотиш бўлими: 

Ҳуқуқшунос: 



«ИСТЕЪМОЛЧИ»




№ 2340200030010000010
ш.м. - 20122919 ш.м. - 207261234
№ - 1000228603523640424021700
Улемирбек Тошкент
Скелд - 01613.

